

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019. Tib. 30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАЗЗАКОВА ШИРИН ОЛИМОВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ НАТИЖАСИДАГИ АСОРАТЛАРНИ
ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раззакова Ширин Олимовна

Коронавирус инфекцияси натижасидаги
асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш
мезонларини ишлаб чиқиш..... 3

Раззакова Ширин Олимовна

Разработка критериев раннего выявления и
предупреждения формирования осложнений
в исходе коронавирусной
инфекции..... 27

Razzakova Shirin Olimovna

Development of criteria for early prediction
and prevention of complications in
coronavirus infections..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019. Tib. 30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАЗЗАКОВА ШИРИН ОЛИМОВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ НАТИЖАСИДАГИ АСОРАТЛАРНИ
ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2445 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Халида Юлдашевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Байжанов Аллаберган Кадинович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 инфекцияси кўзғатувчисининг Омикрон - BA.4 ва BA.5 каби ўта юқумли субвариантларининг тарқалиши туфайли, ушбу инфекция оқибатидаги асоратлар ва ўлим ҳолатларининг сони ортиб борди. ЖССТ томонидан 2023 йилнинг 5-майида COVID-19 пандемияси расман тугаганлиги эълон қилинган бўлсада, SARS-CoV-2 нинг янги NB.1.8.1 каби вариантлари тарқалишда давом этмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...2025 йилнинг сўнгги 2 ойида 90 та мамлакатда жами 460 676 та янги COVID-19 ҳолатлари қайд этилиб, Африка, Америка, Европа ва Жануби-Шарқий Осиёнинг 31 мамлакатидеги бу ҳолатлар сони 10 фоиздан ошган»¹. Ушбу ҳолатлар COVID-19 инфекциясида вируснинг тарқалиши, касалликни оғир кечишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш, касаллик асоратларини олдини олиш, даволаш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Жаҳонда коронавирус инфекцияси оқибатидаги асоратларни эрта башоратлаш ва шаклланишининг олдини олиш мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, коронавирус инфекциясининг эпидемиологик, патогенететик, клиник ва иммунологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда, COVID-19 ташхиси билан даволанганларда кечки асоратлар ривожланишининг механизмларини ўрганиш, клиник намоён бўлиши ва лаборатор кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, касалликни оғир кечиши ва унинг ўлим билан яқунланадиган оқибатларини асослаш, даволашнинг самарадорлиги, касаллик оқибатларини олдиндан башорат қилиш ҳамда уларни олдини олишга оид тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда коронавирус касаллигини эрта аниқлаш, беморларда касаллик асоратларини камайтириш, SARS-CoV-2 нинг тарқалишини олдини олиш мақсадида ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли Фармонида, «...инсон саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларини бошқариш, худудий тиббиёт ходимлари билан тадбирларни ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боришда иштирок этиш, инфекцияни олдини олиш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш, кадрларни тайёрлаш, санитария-гигиена, эпидемияга қарши, замонавий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлар асосида соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ижтимоий-профилактик йўналишларини ривожлантириш бўйича чоралар...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли орасида COVID-19 инфекциясини ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва касаллик

¹ WHO Coronavirus (COVID-19) Dashboard, 2025 <https://data.who.int/dashboards/covid19/deaths?n=c>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармони

асоратларини олдини олиш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини тубдан ислоҳ қилиш орқали касалликлар оқибатида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармонлари ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. SARS-CoV-2 альвеолаларга киргач, жуда тез кўпайиб, гипериммун жавоб реакциясини келтириб чиқаради ва натижада ҳосил бўлган гиперцитокинемия ҳисобига ўпка тўқимаси ҳамда бошқа аъзо ва тизимларнинг зарарланишига олиб келади. Ушбу ҳодиса «цитокин бўрони» деб аталиб, бунда яллиғланишни кучайтирувчи цитокинларнинг назоратдан ташқари ишлаб чиқарилиши оқибатида, кўплаб аъзолар етишмовчилиги билан кечадиган ўткир респиратор дистресс-синдром ривожланиши билан тавсифланади (Wang J., et al. 2021, Chen R., et al., 2021). Ҳозирги вақтдаги кўплаб тадқиқотлар, коронавирус инфекциясининг оғирлигини баҳолаш ва унинг салбий оқибатлари хавфини эрта аниқлаш имконини берадиган лаборатор маркерларни ўрганишга йўналтирилган.

Янги коронавирус инфекциясининг оғир кечиши ва нохуш оқибатларининг белгиси сифатида Д-димер, ферритин, IL-10 ва прокалцитонин кўрсаткичларининг ортиши ва ушбу оғир ҳолатларда протромботик ҳолатнинг фаоллашуви ҳамда коморбидлик индекси билан боғлиқ ҳисобланади (Henry B.M., Lippi G., 2020, Marushchak M, Krynytska I, Homeliuk T, et al., 2024). Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, COVID-19 ни ташхислаш ва даволашда сезиларли ютуқларга эришилганлигига қарамай, кўплаб ҳал этилмаган муаммолар мавжуд (Jin Y.H., et al. 2020, Chen G., et al. 2020, Ganatra S., et al. 2021, Полуэктова В.Б., 2024).

Шунингдек, COVID-19 нинг этиологик, эпидемиологик хусусиятлари, клиникаси, ташхисоти, постковид ҳолатлар, даволаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Болалар ва катталарда COVID-19 нинг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш (Мусабаев Э.И., 2020; Тўйчиев Л.Н., 2023; Таджиева

Н.У., 2024), коронавирус инфекциясининг сероэпидемиологик таҳлилини қўллаган ҳолда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш (Курбанов Б.Ж., 2022), COVID-19 билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш (Эралиев У.Э., 2024), беморларнинг иммунофенотипига қараб COVID-19 нинг оғир шакллари кечишининг клиник хусусиятларини аниқлаш (Ширинов Д.К., 2024), катта ёшдаги аҳолида оғирлик даражасига қараб COVID-19 да цитокин профилини тадқиқ этиш (Рўзимуродов Н.Ф., 2024) ва бошқа йўналишларда ҳам илмий изланишлар амалга оширилган. Янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) ҳақида тўпланган илмий маълумотлар ҳажми катта бўлишига қарамай, касаллик оқибатида юзага келадиган асоратларнинг патогенетик механизмлари ва башорат қилувчи омиллари ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу ҳолат касалликнинг мураккаб кечишини эрта башорат қилишнинг ишончли мезонларини ва самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Айнан шу жиҳат мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва илмий янгилигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг «COVID-19 касаллигининг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш асосида асоратлар шаклланишининг олдини олиш мезонларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасидаги илмий ишлари режасига мувофиқ амалга оширилган (2021-2023 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекцияси оқибатидаги асоратларни эрта прогнозлаш ва шаклланишининг олдини олиш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронавирус инфекциясининг клиник кечиш хусусиятларини беморлар жинси, ёши ва коморбидлик индексига кўра аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда ўпка, мия, бўғим халтаси, ошқозон ости беши, миокард, ичак, буйрак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезgirлиги оширилган лимфоцитлар миқдори ва яллиғланиш индикаторларининг (IL-1, IL-6, ва С-реактив оқсил, ферритин) ўзаро корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

COVID-19 ташхиси билан даволанган беморларда (ўпка, юрак, буйрак, ошқозон ости беши, мия тўқималарида) кечки асоратлар ривожланишининг клиник ва иммунологик хусусиятларини аниқлаш;

COVID-19 касаллигининг оғир кечиши ва унинг оқибатларини башорат қилиш ҳамда олдини олиш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-йил июл-август ойларида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг клиникасида COVID-19 (U07.1-U07.2) ташхиси билан даволанган 822 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида COVID-19 билан касалланган беморларнинг қон намуналари, бурун-ҳалқумидан суртмалар, пешоб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, эпидемиологик, серологик, иммунологик, молекуляр-генетик (Полимераза занжир реакцияси), инструментал ва статистик (StatTech v. 4.6.0 дастури) тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мия (9,02%), бўғим халтаси (11,3%), ўпка (8,82%), ошқозон ости беши (7,64%) ва буйрак тўқималарига (8,15%) SARS-CoV-2нинг органотроп шикастловчи таъсири махсус сезгир бўлган антиген боғловчи лимфоцитлар орқали аниқланган;

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда турли аъзоларнинг тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар даражаси ва яллиғланиш маркерлари (CPO, IL-1, IL-6, ферритин) ўртасида ишончли ($r=0,769$) корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгир бўлган антиген боғловчи лимфоцитларнинг бошланғич чегаравий қийматининг 6 % дан юқори бўлиши-даволашдан сўнг ҳам 90 % ҳолатларда тўқималарда патологик жараён сақланиб қолишининг башоратловчи аҳамияти исботланган;

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларнинг коморбидлик индекси билан беморларнинг ёши ($r=0,871$) ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси ($r=0,852$) ўртасида кучли тўғридан тўғри корреляцион боғлиқликлик мавжудлиги ва коморбидлик индекси 3 баллдан юқори бўлганда ўлим хавфи 85 % гача етиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан касалланган беморларда муайян аъзо ва тўқималарнинг шикастланишини эрта аниқлаш ва кенг қамровли мониторинг ўтказиш, инструментал текширувлар (КТ, УТТ) қўлланилишини камайтириши асосланган;

яллиғланиш маркерлари (CPO, IL-1, IL-6, ферритин) ва тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитларни ўрганиш-яллиғланиш жараёнлари ривожланишини ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ортиши, аъзолардаги патологик жараённинг чуқурлигини башорат қилишга ёрдам бериши асосланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда даво муолажаларидан олдин ва даволаниш сўнггида, ҳамда касалхонадан чиққандан 4 ой ўтгандан кейинги даврда турли аъзоларнинг тўқима антигенларига (TAг) нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар динамикаси асосида касалликка хос асоратлар баҳоланган;

касалликнинг кечиши ва оғирлик даражасини белгиловчи муҳим прогностик кўрсаткич - коморбидлик индексининг бемор ёши ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражасига боғлиқ ҳолда юқори бўлиши асосланган, бу эса асоратлар ривожланишини эрта босқичда бартараф этишни

ҳамда касалликнинг ижобий оқибат билан яқунланиш эҳтимолини ошириш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, эпидемиологик, молекуляр-генетик, серологик, иммунологик, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, коронавирус инфекциясида коморбиддик индекси, яллиғланишнинг иммунологик маркёрлари динамикаси ва кўплаб аъзолар шикастланишининг даражасини аниқлаш орқали касаллик кечишини ва оқибатларини олдиндан прогнозлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кўплаб аъзолар шикастланишини эрта ташхислаш, коронавирус касаллигининг кечиши ва асоратларини олдиндан башоратлаш орқали ўз вақтида зарур патогенетик даवони тайинлаш, касалликнинг ўлим билан яқунланадиган оқибатларини, ногиронлик даражасини камайтириш, ҳамда ортикча дори-дармон юкласидан фойдаланишнинг олдини олиш имконини бериши ва натижада даволанишга сарфланадиган харажатларни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор мия, бўғим халтаси, ўпка, ошқозон ости беши ва буйрак тўқималарига SARS-CoV-2 вирусининг органотроп шикастловчи таъсири махсус сезгир бўлган антиген боғловчи лимфоцитлар орқали аниқланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 15 декабр 8н-р/1516-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси оқибатларини эрта башорат қилишда иммунологик кўрсаткичлардан фойдаланиш» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур таклифлар Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси ва Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ўтказилган тадқиқотлар коронавирус инфекциясида кўплаб аъзоларнинг шикастланишларини ўз вақтида башорат қилиш ва фарқлаш имконини беради, бу эса беморлар учун кейинги даволаш тактикасини аниқлаш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда ортикча дори-дармондан фойдаланмаслик имкониятини яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* асоратларни эрта башоратлаш, беморларни реабилитация

қилишга сарфланадиган қўшимча тиббий хизматлар харажатларини камайтириш имконини яратган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда турли аъзоларнинг тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар даражаси ва яллиғланиш маркёрлари (СРО, IL-1, IL-6, ферритин) ўртасида ишончли ($r=0,769$) корреляцион боғлиқликлар аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 15 декабр 8н-р/1516-сон хулосаси билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси оқибатларини эрта башорат қилишда иммунологик кўрсаткичлардан фойдаланиш» номли услубий тавсияномада ўз ифодасини топган. Мазкур таклифлар Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси ва Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган кўп аъзоли шикастланишларни аниқлаш усули COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг авж олиш даврида ва эрта соғайиш даврида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни аниқлаш ва олдини олиш имкониятини яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 асоратларининг ривожланишини эрта башоратлаш орқали ўлим ҳолатларини камайтириш, реабилитация учун сарфланадиган қўшимча қиммат тиббий ташхис ва даволаш харажатларини қисқартиришдан иборат;

учинчи илмий янгилик: илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгир бўлган антиген боғловчи лимфоцитларнинг бошланғич чегаравий қийматининг 6 % дан юқори бўлиши-даволашдан сўнг ҳам 90 % ҳолатларда тўқималарда патологик жараён сақланиб қолишининг башоратловчи аҳамияти исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 15 декабр 8н-р/1516-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси оқибатларини эрта башорат қилишда иммунологик кўрсаткичлардан фойдаланиш» номли услубий тавсияномада кўрсатилган. Мазкур таклифлар Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси ва Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланган беморларда турли аъзоларнинг ТАг нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛни аниқлаш усулидан фойдаланиш - тўқималарда деструктив жараёнларининг тарқалишини эрта муддатларда аниқлашга, касалхонада даволаниш ва реабилитация харажатларини камайтиришга ҳамда ногиронлик ва летал оқибатларни пасайтириш орқали беморлар саломатлигининг яхшиланишига олиб келади. *Иқтисодий самарадорлиги:* янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда юзага келиши мумкин бўлган асоратларни эрта муддатларда прогнозлаш - ўз вақтида зарур тегишли давони тайинлаш ва беморларни реабилитация қилишга сарфланадиган қўшимча харажатларни 30-40% га (17

000 000 сўмдан 7 750 000 сўмгача) камайтириш орқали ҳар бир бемор учун 9,25 миллион сўм иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор COVID-19 билан касалланган беморларнинг коморбидлик индекси билан беморларнинг ёши ($r=0,871$) ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси ($r=0,852$) ўртасида кучли тўғридан тўғри корреляцион боғлиқликлик мавжудлиги ва коморбидлик индекси 3 баллдан юқори бўлганда ўлим хавфи 85 % гача етиши асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 15 декабр №8н-р/1516-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекцияси оқибатларини эрта башорат қилишда иммунологик кўрсаткичлардан фойдаланиш» номли услубий тавсияномада акс эттирилган. Мазкур таклифлар Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси ва Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* реабилитация даврида мақсадли даволаш орқали беморларнинг меҳнат қобилиятини тезроқ тикланишидан иборат бўлиб, бу эса стационар муассасаларга тушадиган юкломани камайтириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* зарур патогенетик асосланган давони тайинлаш орқали беморларнинг реабилитацияси учун сарфланадиган қўшимча харажатларни минималлаштириш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини Соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи. Янги коронавирус инфекциясининг эпидемиологияси, клиник ва лаборатор ташхисоти ҳамда даволаш асослари» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг ҳолати ҳақидаги хорижий ва маҳаллий илмий адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Янги коронавирус инфекциясининг клиник, эпидемиологик ва лаборатор хусусиятлари, коронавирус инфекциясини даволаш ва олдини олиш тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «Янги коронавирус инфекцияси натижасидаги асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник кузатувлар ҳажми ва тадқиқотга киритилган беморларнинг тавсифи ҳамда тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭМЮПКИАТМ) клиникасида янги коронавирус инфекцияси билан касалланган 822 нафар беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича маълумотларининг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «Янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларнинг клиник ва лаборатор тавсифи» деб номланган учинчи бобида 2021-2022 йиллар давомида РИЭМЮПКИАТМ клиникасида COVID-19 ташхиси билан даволанган 822 нафар беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг таҳлили натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши $51,70 \pm 1,0$ йилни ташкил этди. Беморларнинг аксарияти 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёш гуруҳига мансуб эди. Текширилганларнинг 346 нафари (42%) эркаклар, 476 нафари (58%) аёллардан иборат эди. Тадқиқот (COVID -19) янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик кўрсатмаларга мувофиқ ўтказилди (№8-таҳрир, 2021).

COVID-19 билан касалланган беморлар касалликнинг оғирлик даражасига қараб: оғир 35,4% ($n=291$) ва ўрта оғир 64,6% ($n=531$) кечувчи гуруҳларга ажратилди (1-расм).



1-расм. COVID-19 касаллигининг оғирлик даражасига кўра, беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши (%)

Гендер тақсимотининг статистик таҳлили, COVID-19 ўрта оғир ва оғир ҳолатларида аёл жинсига мансуб беморлар сони (мос равишда 1,08 ва 1,6

марта кўп) эркаклар сонидан устунлик қилганлигини кўрсатди. COVID-19 касаллигининг ўрта оғир кечишида беморларнинг ўртача ёши $49,07 \pm 0,57$, оғир кечишида эса $56,13 \pm 0,89$ ёшни ташкил этди. Ёш медианаси касалликнинг ўрта оғир кечувида - 49 ва оғир кечишда-59 ёшни ташкил этди.

COVID-19 касаллиги патогенетик жиҳатдан вирусемия, маҳаллий ва тизимли иммун-яллиғланиш жараёни, эндотелиопатия, коагуляцион тизимнинг гиперфаоллиги билан тавсифланиши, микро-макротромбозлар ва гипоксияга олиб келиши сабабли, текширилган беморларда касалликка хос клиник полиморфизм кузатилди. COVID-19 билан касалланганларда касалликнинг дастлабки белгиларидан бири иситма (704; 85,64%) бўлиб, анамнезга кўра беморларнинг 418 нафарида (59,38%) 38°C гача бўлган ҳарорат, 96 нафарида (11,7%) эса 38°C дан юқори ҳарорат аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

COVID-19 касаллиги кечишининг оғирлик даражасига кўра беморларда касаллик белгилари

| Шикоятлар | | Жами беморлар (n=822) | | Оғир кечиши (n=291) | | Ўрта оғир кечиши (n=531) | |
|-------------------|-----------|-----------------------|------------------|---------------------|--------------------|--------------------------|------------------|
| | | м.р. | %, $M \pm m$ | м.р. | %, $M \pm m$ | м.р. | %, $M \pm m$ |
| Иситма | | 704 | $85,64 \pm 0,32$ | 187 | $64,26 \pm 0,47^*$ | 517 | $97,36 \pm 0,43$ |
| тана харорати | <37.3 | 190 | $26,99 \pm 0,20$ | 72 | $38,50 \pm 0,45^*$ | 118 | $22,82 \pm 0,20$ |
| | 37.3-38.0 | 418 | $59,38 \pm 0,29$ | 79 | $42,25 \pm 0,47^*$ | 339 | $65,57 \pm 0,35$ |
| | 38.1-39.0 | 92 | $13,07 \pm 0,14$ | 32 | $17,11 \pm 0,30^*$ | 60 | $11,61 \pm 0,15$ |
| | >39.0 | 4 | $0,57 \pm 0,03$ | 4 | $2,14 \pm 0,11$ | - | - |
| ҳолсизлик | | 804 | $97,81 \pm 0,34$ | 283 | $97,25 \pm 0,58$ | 521 | $98,12 \pm 0,43$ |
| иштаҳа пасайиши | | 732 | $89,05 \pm 0,33$ | 211 | $72,51 \pm 0,50^*$ | 499 | $93,97 \pm 0,42$ |
| миалгия | | 246 | $29,93 \pm 0,19$ | 140 | $48,11 \pm 0,41^*$ | 106 | $19,96 \pm 0,19$ |
| томоқ оғриши | | 304 | $36,98 \pm 0,21$ | 151 | $51,89 \pm 0,42^*$ | 153 | $28,81 \pm 0,23$ |
| ҳансираш | | 738 | $89,78 \pm 0,33$ | 281 | $96,56 \pm 0,57^*$ | 457 | $86,06 \pm 0,40$ |
| йўтал | | 703 | $85,52 \pm 0,32$ | 215 | $73,88 \pm 0,50^*$ | 488 | $91,90 \pm 0,41$ |
| аносмия/ гипосмия | | 319 | $38,81 \pm 0,22$ | 139 | $47,77 \pm 0,40^*$ | 180 | $33,90 \pm 0,25$ |
| дисгевзия | | 244 | $29,68 \pm 0,19$ | 112 | $38,49 \pm 0,36^*$ | 132 | $24,86 \pm 0,22$ |
| диарея | | 93 | $11,31 \pm 0,12$ | 49 | $16,84 \pm 0,24^*$ | 44 | $8,29 \pm 0,12$ |
| кўп терлаш | | 307 | $37,35 \pm 0,21$ | 122 | $41,92 \pm 0,38^*$ | 185 | $34,84 \pm 0,26$ |
| бош айланиши | | 115 | $13,99 \pm 0,13$ | 46 | $18,81 \pm 0,23^*$ | 69 | $12,99 \pm 0,16$ |

Изоҳ: *- касалликнинг оғир шакли билан оғирган беморлар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги, $P < 0,05$.

Ҳолсизлик беморларнинг 804 нафарида (97,81%) кузатилиб, ўрта оғир (521; 98,12%) ва оғир беморларда (283; 97,25%) бир хил даражада тез-тез учраган. Нафас етишмовчилиги ҳам (738; 89,78%) кўп учраган белги сифатида оғир беморларда (281; 96,56%) ўрта оғир даражадаги беморларга (457; 86,06%) нисбатан кўпроқ кузатилган. COVID-19 билан касалланган 822 нафар беморлардан 703 нафарини (85,52%) йўтал безовта қилган бўлиб, ўрта оғир беморларда (488; 91,90%) оғир беморларга (215; 73,88%) нисбатан кўп қайд этилган.

Тадқиқотдаги беморларда аносмия, гипосмия (ҳид билишнинг йўқолиши, пасайиши) ва дисгевзия (таъм сезишнинг бузилиши) каби характерли белгилар касалликнинг оғир кечишида яққол намоён бўлган (мос равишда 139; 47,77% ва 112; 38,49%). Беморларнинг 304 нафарини (36,98%) томоқ оғриғи ва 115 нафарини (14,0%) бош айланиши безовта қилган. COVID-19 билан касалланган беморларда ошқозон-ичак тракти фаолиятининг бузилиши белгиларидан асосан иштаҳанинг пасайиши (732; 89,05%) ва ич кетиши (93; 11,31%) қайд этилган.

Беморларнинг физикал кўриги таҳлилига мувофиқ, артериал қон босими, нафас олиш тезлиги, юрак уриши ва қондаги кислород миқдори (сатурация) кўрсаткичлари асосида ҳарорат кўтарилганда, юрак уриш тезлиги ўрта оғир беморларда бир дақиқада ўртача $89,39 \pm 3,65$ ни, оғир беморларда эса $94,11 \pm 0,44$ ни ташкил этди. Сатурация - ўрта оғир беморларда ўртача $85,06 \pm 3,99\%$, оғир беморларда эса $75,34 \pm 0,50\%$ ни ташкил этди ва пульс ($94,11 \pm 0,44$) ҳамда нафас олишнинг ($26,01 \pm 0,21$) тезлашуви билан бирга келди ($P < 0,05$).

Шифохонада даволанганларнинг 356 нафарида (43,3%) ўткир нафас етишмовчилиги кўп учровчи асорат сифатида аниқланиб, COVID-19 оғир кечган ($n=291$) беморларнинг 216 нафарида (74,23%) турли даражадаги нафас етишмовчилиги кузатилди. Беморларнинг 739 нафарида (89,90%) клиник икки томонлама вирусли пневмония ва фақат 30 нафарида полисегментар пневмония аниқланди. COVID-19 53 нафар (6,45%) беморда ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) билан кечди (2-жадвал).

2-жадвал

COVID-19 билан касалланган беморларда аниқланган асоратларни касалликнинг оғирлик даражасига кўра тақсимланиши натижалари

| Асоратлар | Жами беморлар (n=822) | | Ўрта оғир даража (n=531) | | Оғир даража (n=291) | | |
|------------------------------------|-----------------------|------------|--------------------------|-------------|---------------------|------------|------------|
| | м.р. | %, M±m | м.р. | %, M±m | м.р. | %, M±m | |
| гипергликемия | 111 | 13,50±0,13 | 53 | 9,98±0,14* | 58 | 19,9±0,26 | |
| 2 том. интерстициал пневмония | 739 | 89,90±0,33 | 465 | 87,57±0,40* | 274 | 94,16±0,57 | |
| полисегментар пневмония | 30 | 3,65±0,07 | 13 | 2,45±0,07* | 17 | 5,84±0,14 | |
| нафас етишмовчилиги | 1 | 147 | 17,88±0,15 | 95 | 17,89±0,18* | 52 | 17,87±0,25 |
| | 2 | 149 | 18,13±0,15 | 36 | 6,78±0,11* | 113 | 38,83±0,36 |
| | 3 | 60 | 7,30±0,09 | 9 | 1,69±0,06* | 51 | 17,53±0,25 |
| ўткир юрак қон-томир етишмовчилиги | 11 | 1,34±0,04 | - | - | 11 | 3,78±0,11 | |
| сепсис | 4 | 0,49±0,02 | - | - | 4 | 1,37±0,07 | |
| кўплаб аъзолар етишмовчилиги | 11 | 1,34±0,04 | 4 | 0,75±0,04 | 9 | 3,09±0,104 | |
| томирлар тромбози | 4 | 0,49±0,02 | - | - | 4 | 1,37±0,07 | |

Изоҳ: *- касалликнинг оғир шакли билан оғриган беморлар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги, $P > 0,05$.

Пневмониянинг оғирлик даражаси КТ текширувида ўпка тўқимасининг зарарланиш ҳажми бўйича қабул қилинган градацияга мувофиқ аниқланди ва қуйидагича тақсимланди: КТ-1 - 275 нафар (33,45%), КТ-2 - 303 нафар (36,9%), КТ-3- 89 нафар (10,83%), КТ-4 - 4 нафар (0,48%) ва қолган 151 нафар (18,4%) беморда ташхис рентенологик тасдиқланган. COVID-19 касаллигининг оғир кечиши, (КТ-3) билан даволанган 77 нафар беморларнинг 39 нафарини (50,65%) ва КТ-3 аниқланган, касаллик ўрта оғир кечиши кузатилган 12 нафар беморларнинг 7 нафарини (58,3%) ҳам 65 ёшдан ошган беморлар ташкил этди.

Янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан касалланган 111 нафар ($13,50 \pm 0,13\%$) беморларда қондаги қанд миқдорининг кўтарилиши биринчи марта қайд этилди. Бу ҳолат COVID-19 оғир кечаётган беморларда (58 та; 19,9%) ўртача оғирликдаги беморларга (53 та; 9,98%) нисбатан кўпроқ кузатилди. Шунингдек, 11 нафар беморларда (3,78%) ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги (барчаси оғир беморларда) аниқланди.

Шундай қилиб, текширилган беморларда ўтказилган таҳлил натижалари коронавирус инфекциясига хос бўлган асоратларнинг (икки томонлама ёки полисегментар пневмония, ўткир юрак-қон томир, нафас етишмовчилиги ва гипергликемия) ривожланишини кўрсатди. Асоратларнинг аксарияти 60 ёшдан катта беморларда асосан икки ёки ундан ортиқ ёндош касалликлар (юрак ишемик касаллиги, гипертония, анемия ва бошқалар) негизида ривожланган.

COVID-19 касаллиги кечишининг оғирлигига қараб, беморларнинг асосий лаборатория кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилганимизда, гуруҳлардаги лейкоцитлар, лимфоцитлар, нейтрофиллар ва тромбоцитларнинг медиана қиймати референс оралиғида бўлди. Лейкопения касалликнинг оғир кечиши кузатилган беморларнинг 21,0% да, ўрта оғир кечишида эса 30,3% ҳолатларда қайд этилди. Лейкоцитоз - касалхонага келганда беморларнинг 61 нафарида (21,0%) ва касаллик динамикасида 119 (40,9%) ҳолатда кузатилди ($30,1$ минг/куб мм гача). ЭЧТнинг ортиши - COVID-19 нинг оғир шаклидаги (27,1%) беморларда, ўрта оғир (35,7%) беморларга нисбатан кўпроқ кузатилди. Касалхонага келган, COVID-19 оғир кечган беморларда - 45,4% ҳолатда лимфопения аниқланиб, касалхонадан чиқарилиш вақтида бу кўрсаткич 57,04% га етган. Бундай беморларда иммун жавобнинг камайиши ва реконвалесцент даврда асоратлар ривожланиши хавфи мавжудлиги сабабли, лимфоцит даражасини умумий қон таҳлили орқали ҳар 2 ҳафтада назорат қилиш тавсия этилади. COVID-19 ўрта оғир кечган беморларда эса лимфопения мос равишда 30,3% ва 24,01% ҳолатда аниқланиб, организмнинг иммун тизими даволаш жараёнида тикланаётганлигини ва яллиғланиш даражасининг пасайганлигини ифодалайди.

Қон биокимёвий таҳлили кўрсаткичларидан - С-реактив оқсил касалликнинг оғир кечишида ишончли даражада 96,6% беморларда ўртача $21,57 \pm 0,36$ мг/л дан $34,0$ мг/л гача ошган. Касалликнинг ўрта оғир кечиши кузатилган беморларда ҳам, С-реактив оқсил миқдорининг ишончли даражада 75% беморларда ўртача $11,29$ мг/л дан $32,0$ мг/л гача ошганлиги қайд этилди.

COVID-19 касаллигининг оғир ва ўрта оғир кечишида глюкоза миқдорининг ўртача қийматлари касалхонага қабул қилинганда ҳам (мос равишда $6,69 \pm 0,19$; $5,97 \pm 0,28$ ммол/л), чиқарилганда ҳам (мос равишда $6,54 \pm 0,16$ ва $6,75 \pm 0,82$ ммол/л) меъерий кўрсаткичлардан ошмади. Бирок, беморлардаги индивидуал ўзгаришлар таҳлилида, касаллик оғир кечган беморларнинг 42,4% да ва ўрта оғир кечган беморларнинг 19,2% да қонда глюкоза миқдори мос равишда 21,6 ва 28,8 ммол/л гача ошганлиги аниқланди.

COVID-19 оғир кечиши кузатилган беморларнинг 62,4%ида мочевина миқдори меъерий кўрсаткичлардан юқори (энг юқори - 29 ммол/л) бўлган ва уларнинг 72,5%да даволаниш жараёнида меъёрлашган. Касалхонага ётқизилганда меъерий кўрсаткичларга эга бўлган беморларнинг 19,5% да эса, касалхонадан чиқиш олдиан мочевина миқдори ортган бўлиб, эндоген интоксикациянинг давом этаётганини кўрсатади. Касалликнинг ўрта оғир кечишида, беморларнинг 47,5%да қондаги мочевина миқдори (20,6 ммол/л гача) ошган ва шу беморларнинг 65,4 %да даволаш жараёнида кўрсаткичлар меъёрлашган.

Шунингдек, COVID-19нинг оғир даражаси кузатилган беморлар касалхонага қабул қилинганда Д-димернинг ўртача кўрсаткичлари меъерий кўрсаткичлардан 1,9 баравар ($948,41 \pm 127$ нг/л), ўрта оғир даражасида эса 1,4 баробар юқори ($717,28 \pm 71,7$ нг/л) бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

COVID-19 билан касалланган беморларда айрим яллиғланиш маркёрларининг касаллик оғирлик даражасига кўра кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | | Оғир даража (n =291) | Ўрта оғир даража (n=531) |
|--------------------|--|-------------------------|-----------------------------|
| даволанишдан олдин | Д-димер <500 нг/л | $948,41 \pm 127,44$ | $717,28 \pm 71,7^*$ |
| | Прокалцитонин 0,5-2 нг/мл | $2,19 \pm 0,16$ | $0,72 \pm 0,08^*$ |
| | IL-1 4,9 пг/мл гача | $38,95 \pm 4,04$ | $24,97 \pm 4,62^*$ |
| | IL-6 0-7,0 пг/мл гача | $32,92 \pm 6,80$ | $23,99 \pm 4,82^*$ |
| | Ферритин Эркак 20-250 мкг/л Аёл 10-120 мкг/л | $496,12 \pm 29,60^*$ | $356,56 \pm 60,30^*$ |
| даволанишдан кейин | Д-димер <500 нг/л | $1038,73 \pm 362,87$ | $685,61 \pm 67,76$ |
| | Прокалцитонин 0,5-2 нг/мл | $0,70 \pm 0,09$ | $0,43 \pm 0,14^*$ |
| | IL-1 4,9 пг/мл гача | $25,49 \pm 2,96$ | $19,39 \pm 1,96^*$ |
| | IL-6 0-7,0 пг/мл | $19,49 \pm 4,08$ | $17,17 \pm 2,49^*$ |
| | Ферритин эркак 20-250 мкг/л аёл 10-120 мкг/л | $371,00 \pm 30,11$ | $234,33 \pm 31,64^*$ |

Изоҳ: *- касалликнинг динамикасидаги кўрсаткичларга фарқнинг ишончилиги, $p > 0,05$.


Ферритин қийматлари ҳам касалликнинг оғир ($496,12 \pm 29,60$ мкг/л) ва ўрта оғир даражасида ($356,56 \pm 60,30$ мкг/л) сезиларли даражада ошган. Прокальцитонин даражасининг қийматлари эса, касалликнинг оғир даражаси кузатилган беморлардагина назорат қийматларига нисбатан сезиларли юқори ($2,19 \pm 0,16$ нг/мл) бўлди. Ушбу ҳолат прокальцитониннинг касалликда бактериал суперинфекция, септик ҳолат, оғир яллиғланиш жараёнларини кўрсатувчи муҳим прогностик маркер эканлигини тасдиқлайди ва антибактериал терапия заруратини баҳолашда аҳамиятли ҳисобланади.

Беморларнинг барчасида IL-1, IL-6 кўрсаткичларининг (мос равишда оғир даражада: $38,95$ ва $32,92$ пг/мл $p > 0,05$ ва ўрта оғир даражада: $24,97$ ва $23,99$ пг/мл, $p < 0,05$) ошганлиги қайд этилди. Юқоридаги кўрсаткичларнинг ортиши, COVID-19 оғир кечишини ва турли аъзолар тизимида муаммолар юзага келаётганлигини ифодалайди.

COVID-19 касаллиги кечишининг динамикасида олинган натижалар таҳлили касалликнинг оғир ҳолатида Д-димер ва ферритин кўрсаткичларининг бошланғич қийматларга нисбатан ошганлигини кўрсатди (мос равишда $1038,73$ нг/л ($p > 0,05$) ва 371 мкг/л $P < 0,05$), бунда улар меъёрий кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эди (мос равишда $1,7-3,4$ баробар). Шунингдек, касалликнинг ўрта оғир кечишида ферритин қийматининг 2 баробар ошганлиги аниқланди, у даволаниш давомида ўртача $356,56$ дан $234,33$ мкг/л гача ўзгарди. Касалликнинг оғир ва ўрта оғир кечишида яллиғланиш олди цитокинлари IL-1 (мос равишда $38,95$ дан $25,49$ пг/мл гача ва $24,97$ дан $19,39$ пг/мл гача) ҳамда IL-6 (мос равишда $32,9$ дан $19,49$ пг/мл гача ва $23,39$ дан $17,17$ пг/мл гача) қийматларининг йўналишида ижобий тенденция кузатилиши, беморлар ҳолатининг яхшиланганлигини ва яллиғланиш даражасининг камайганлигини ифодалайди.

COVID-19 билан касалланган беморларда Charlson мезонлари бўйича коморбидлик индексларини ҳисоблаш орқали коморбид патологиянинг тузилишини аниқланди ва летал ҳолатларнинг прогностик кўрсаткичлари аниқланди. Тадқиқотга (КХТ бўйича U07.1-U07.2 коди) «COVID-19 коронавирус инфекцияси»нинг оғир кечиши ташхиси қўйилган 25 ёшдан 89 ёшгача бўлган 291 нафар беморлар киритилди. Беморларнинг ёш медианаси 59 ёш бўлиб, бунда 40 ёшдан 69 ёшгача бўлган беморлар кўпчиликни ташкил этди. Уларнинг 140 нафари (48%) эркаклар ва 151 нафари (52%) аёллар эди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида текширилган беморлар орасида коморбид патологиянинг умумий тузилиши аниқланди. COVID-19 касаллигининг оғир шакли билан даволанганларда коморбидликнинг умумий тузилишида юрак-қон томир тизими касалликларидан тарқалиши бўйича АГ (66,78%), буйракларнинг сурункали касалликлари (46,15%) ва камқонлик (40,56%) етакчилик қилди. Шунингдек, юрак ишемик касаллиги (32,17%), 2-тур қандли диабет (27,27%) ва сурункали бронхит (22,73%) каби ҳамроҳ касалликлар аниқланди. Беморларнинг 15,73% да сурункали холецистит ва 14,69% да семизлик бир хил даражада тез-тез кузатилди (2-расм).



2-расм. COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган беморларда ёндош касалликларни таркиби (% да)

Коморбид патология тузилишининг жинсга боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлилини натижалари шуни кўрсатдики, эркакларда артериал гипертензия (70,0%), сурункали пиелонефрит (50,0%), сурункали бронхит (25,71%), семизлик (17,14%), ёғли гепатоз (8,57%), сурункали панкреатит (6,43%) аёлларга қараганда кўпроқ учради (мос равишда 63,7%; 42,47%; 19,86%; 12,33%; 6,16% ва 4,79%, $p < 0,05$). Шу билан бирга, аёлларнинг 67,12 %да камқонлик сезиларли даражада юқори (5 баробар), эркакларда эса атиги 12,86 % ҳолатда кузатилди ($p < 0,01$). Бундан ташқари юрак ишемик касаллиги аёлларда (39,73%) эркакларга (21,28%) нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учради.

Коморбидлик индекси баҳолашнинг балли тизимини ифодалайди ва ўлим хавфини башорат қилиш имконини беради. Бу хавф коморбидлик бўлмаганда 12% ни, 1-2 балл бўлганда 26% ни, 3-4 балл бўлганда 52% ни, 5 баллдан юқори бўлганда эса 85 % ни ташкил этади. Коморбидлик индекси 3 баллдан юқори бўлса, бу ўлим хавфи юқори эканлигини кўрсатади.

Текширилган COVID-19 билан касалланган беморларда Charlson коморбидлик индексини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, коморбид ҳолатлар мавжуд бўлган беморлар сони 207 (71,1%) коморбидлиги бўлмаган 84 нафар (28,9%) беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

COVID-19 билан касалланган беморларда коморбидлик индекси

| Коморбидлик индекси (КИ) | n | (%) $M \pm m$ | $p < 0,001$ |
|--------------------------|-----|------------------|-------------|
| Коморбидлик йўқ | 84 | 28,9 \pm 0,31* | |
| Коморбидлик мавжуд | 207 | 71,1 \pm 0,50 | |
| КИ 6 ва ундан юқори | 37 | 17,83 \pm 0,25 | |

Беморларнинг ёши COVID-19 оқибатларига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқотимизда Charlson коморбидлик индекси 50-59 ёшли беморларда (n=56) 3,1 балл; 60-69 ёшлиларда (n =73) - 4,6 балл; 70-79 ёшлиларда (n=36) - 5,1 балл ва 80-89 ёшли беморларда (n =22) - 6,6 баллни ташкил этди.

Текширилган беморларнинг коморбидлик индекси ва ёши ўртасидаги корреляцион таҳлил натижасида юқори корреляция коэффиценти ($r = 0,871$) аниқланди. Бу коморбидлик индекси билан беморларнинг ёши ўртасида кучли тўғридан-тўғри ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Яъни, беморнинг ёши қанчалик катта бўлса, COVID-19 билан касалланган беморларда коморбидлик индекси шунчалик юқори бўлди.

COVID-19 билан касалланган беморларнинг 244 нафарида (83,3%) ўпканинг компьютер томографияси (КТ) ўтказилган. Касалликнинг оғир кечиши кузатилган 291 нафар беморнинг 94,1% (274 нафар) да интерстициал пневмония аниқланган бўлиб, икки томонлама (88,5%) пневмония бир томонлама (4,5%) пневмонияга нисбатан устунлик қилган. КТ таҳлиллари натижасида 18 нафар беморда КТ-1 даражаси қайд этилган бўлиб, бу гуруҳда Charlson коморбидлик индекси 3,3 баллни, 145 нафар беморда КТ-2 аниқланиб, Charlson коморбидлик индекси 4,5 баллни, 77 нафар беморда КТ-3 аниқланиб, Charlson коморбидлик индекси 5,2 баллни, 4 нафар беморда эса КТ-4 аниқланиб, Charlson коморбидлик индекси 6,4 баллни ташкил этган.

Шунингдек, COVID-19 билан касалланган беморларда КТ маълумотлари асосида ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси ва коморбидлик индекси орасидаги боғлиқликни таҳлил қилганимизда, тўғридан-тўғри юқори ижобий корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Коморбидлик индекси ва КТ-1 даражаси (ўпка тўқимаси зарарланиши 25% гача) ўртасида корреляция коэффиценти $r = 0,735$ ни, КТ-2 (ўпка тўқимаси зарарланиши 25 дан 50% гача) учун $r = 0,859$ ни, КТ-3 (ўпка тўқимаси зарарланиши 50 дан 75% гача) учун $r = 0,767$ ни ва КТ-4 (ўпка тўқимаси зарарланиши 75% дан юқори) учун $r = 0,852$ ни ($p \leq 0,05$) ташкил этди.

Текширилган беморларда касаллик оқибатлари таҳлилига кўра, касалхона ичидаги ўлим кўрсаткичи 5,24% (15 бемор) ни ташкил этди. Вафот этганларнинг ўртача ёши 66,82 (63; 82) ёш ва Charlson индекси 6,3 баллни, қолган беморларнинг ўртача ёши эса 56,12 ёш (57; 89) ($p < 0,0001$) ва Чарлсон индекси 3,4 балл ($p < 0,0001$)ни ташкил этди. Оқибати ўлим билан яқунланган беморларнинг коморбидлик индекси ва ёши ўртасидаги корреляцион таҳлил тўғридан-тўғри юқори ижобий боғлиқликни кўрсатди ($r = 0,818$).

COVID-19 билан касалланган ва оқибати ўлим билан яқунланган ҳолатларда коморбидликнинг умумий тузилишида артериал гипертензия ва юрак ишемик касаллиги аниқланди. Беморларнинг 5 нафарида 2-турдаги қандли диабет, 4 нафарида 2-даражали семизлик ва яна 2 нафарида эса сурункали вирусли гепатит В+Д билан сурункали вирусли гепатит В фульминант босқичда кузатилди. Шу билан бирга, беморларнинг ушбу гуруҳида эркаклар (9; 60,0%) аёлларга (6; 40,0%) нисбатан кўп сонни ташкил этди.

Шундай қилиб, оқибати ўлим билан яқунланган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коморбидликнинг умумий тузилмасида юрак қон томир тизими касалликлари устунлик қилди. Эркакларда коморбид патология тузилмасида юрак қон томир тизими касалликлари, аёлларда эса камқонлик эркакларга нисбатан 5 баробар кўп қайд этилди. Текширилган беморларнинг ёши ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси билан коморбидлик индекси ўртасида аниқланган юқори тўғридан-тўғри ижобий корреляцион боғлиқликлар коронавирус инфекциясининг кечиши ва летал оқибатларининг муҳим прогностик белгиси ҳисобланади. COVID-19 билан касалланган беморларда ёш хусусиятлари, коморбидлик индексининг юқори кўрсаткичлари ва ҳамроҳ касалликларни инобатга олган ҳолда комплекс ва асосланган давони эрта бошлаш, постковид асоратлар ва летал оқибатлар хавфини минималлаштириш, тиббий ресурсларни оптимал тақсимлаш ва беморларнинг тезроқ соғайишини таъминлайди.


Диссертациянинг «**Янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда кўплаб аъзолар зарарланишининг клиник тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 билан касалланган 160 нафар беморларда ўпка, жигар, буйрак, мия, эндокард, миокард, ошқозон ости беши ва бўғим халтаси тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар даражасининг қиёсий таҳлили ҳамда COVID-19дан соғайган 61 нафар беморларнинг узок муддатли тиббий кузатувларининг клиник ва иммунологик таҳлили натижалари келтирилган.

